
Ҳоким маҳалла еттилигининг фаолияти билан танишди

Бугун Бешариқ туман ҳокими “Булоқбоши” маҳалласида бўлди ва маҳалла ходимларининг иш фаолияти билан танишди.

Ҳоким ёрдамчиси маҳалладаги аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар бўйича ахборот берди.

Ҳоким бу борадаги ишлар билан танишиш асносида ўз фикрлари ва тавсияларини берди.

Шунингдек, Расулжон Жўраев ҳоким ўринбосарлари ҳамда масъул ташкилот раҳбарларига аҳолининг мурожаатларини жойида ўрганиш, томорқа маданиятини шакллантириш борасида тушунтириш олиб боришлари бўйича топшириқларини берди.

2024-04-08 16:54:39